

<b>Мавзу</b>	<b>Токарлик кескичларининг турлари ва конструкциясини ўрганиш</b>
--------------	---

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Маишулот вақти - 2 соат</i>	Талабалар сони: 12 – 15 гача	
<i>Маишулот шакли</i>	Лаборатория	
<i>Лаборатория маишулоти режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Токарлик кескичларининг турлари</li> <li>2. Токарлик кескичларининг элементлари.</li> </ol>	
<b>Ўқув маишулотининг мақсади:</b> Токарлик кескичларининг турлари ва конструкциясини ўрганиш.		
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Токарлик кескичларининг турларини ўргатади.</li> <li>• Токарлик кескичларининг элементлари тўғрисида умумий тушунча бериш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Токарлик кескичларининг турларини ўрганиб олишади.</li> <li>• Токарлик кескичларининг элементлари тўғрисида умумий тушунча оладилар.</li> </ul>	
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Кўргазмали, маълумотли, лаборатория маишулоти, “Дельфи” техникаси.	
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий	
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор	
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

**1.2. «Токарлик кескичларининг турлари ва конструкциясини ўрганиш»  
лаборатория машғулотининг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Таълим берувчи</b>	<b>Таълим олувчилар</b>
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдларини тайёрлаш. 3. Мавзунинг ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлаб қўйиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Янги машғулот мавзуси ва мавзу режаси билан талабаларни таништиради (1-илова)	<b>Тинглайдилар. Ёзадилар.</b>
	1.2. Баҳолаш мезонларини тушинтирилади (2-илова)	<b>Тинглайдилар. Ёзадилар.</b>
	1.3. Мавзуга оид адабиётлар рўйхати билан таништиради (3-илова)	<b>Тинглайдилар. Ёзадилар.</b>
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Токарлик кескичларининг турлари тўғрисида маълумот беради (4-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.2. Токарлик кескичларининг элементлари тўғрисида умумий тушунчаларни беради (5-илова)	<b>Тинглайдилар, бажарадилар. ёзадилар.</b>
	2.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Дельфи” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (6-илова)	<b>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</b>
3.Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил таълим учун кейинги лаборатория машғулоти мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	<b>Тинглайдилар, саволлар берадилар.  Вазифани ёзиб оладилар.</b>